Термoeлектр термометрлар ёрдамида температурани ўлчати 1821 йида Зеебек кашф қилган термoeлектр ҳодисасига асосланган. Бу ҳодисанинг температураларини ўлчашда қўлданлиниши икки хил металл симдан иборат занжирда уларнинг кавшарланган жойида температуралар фарқи ҳисобига ҳосил бўладиган ЭЮК эффектига асосланган. Ҳар хил А ва В ўтказгичлардан иборат занжирни кўриб чиқамиз (6.1-расм). Термометрнинг ўлчанайган муҳитга тегиб турган жоби кавшарланган уни I (иссиқ уланма), Ҳагармас температурали муҳитдаги жойи 2 эса эркин уни (созуқ уланма) дейиладн А ва В ўтказгичлар термoeлектроддар дейилади. Икундан кавшарланган ўтказгичлар эса термopара деб аталади, уларда ҳосил бўлалиган электр юритувчи куч термoeлектр юритувчи куч (ТЭЮК) дейилади. ТЭЮК ҳосил бўлишининг сабаби эркин электронлар эчилиги кўпроқ металлнинг эркин электронлар эчилиги кўпроқ металлга диффузияси билан изоҳланади. Шу пайтда икки хил металлнинг бириккиш жойида пайдо бўладиган электр майдон диффузияга каврилик курсидади. Электронларнинг диффузияси утиш тезлиги электр майдон таъсирида уларнинг қанте ўтиш тезлигига тенг бўлганда ҳаракатли мувозанат ҳолати қарор топади. Бу мувозанатда А ва В металллар орасида потенциаллар айирмаси пайдо бўлади. Электронлар диффузиясининг жаддаллиги ўтказгичлар бириккан жойининг температурасига ҳам боғлиқ бўлгани сабабля бирикки ва иккинчи уламоларда ҳосил бўлган ЭЮК ҳам турлича бўлади.

Агар кавшарланган ўтказгичлар бир хил бўлса ва уларнинг икки уни турлича температурада қиздирилса, у ҳолда ўтказгичнинг иссиқроқ қисмидан совуқроқ қисмига бўш электронларнинг диффузиялиниши тескари йўналишдаги диффузияси жаддалроқ бўлади. Потенциаллар айирмаси электронларнинг иссиқлик диффузиясига тескари йўналишда таъсир қилади, бунинг натижасида мувозанат ҳолати қарор топгунча ўтказгичнинг иссиқроқ уни мусбат ишорада зарарланади. Бинобарин, ҳар хил А ва В ўтказгичлардан ташкил топган энг сода термoeлектр занжирда тўртта турлича ТЭЮК ҳосил бўлади. Яъни иккита ТЭЮК А ва В ўтказгичларининг кавшарланган унида; битта ТЭЮК А ўтказгичининг унида; битта ТЭЮК В ўтказгичининг унида. Шунинг назарда тутиб, 6.1-расмда тасвирланган занжирдаги ТЭЮК катталигини аниқлаш мумкин. Занжирни соат стрелкаси ҳаракатига тескари йўналишда кузатсан, қуйидаги латикчи чиқади:

$$E_{AB}(t_1, t_2) = e_{AB}(t_1) + e_{BA}(t_2), \quad (6.1)$$

ёр ерда $E_{AB}(t_1, t_2)$ — иккала фактор таъсириндаги жамланган ТЭЮК; $e_{AB}(t_1)$



6.1-расм. Икки хил ўтказгичлар термометрик занжир.

ва $e_{AB}(t_0) = A$ ва B ўтказкичлар учларида потенциаллар ҳамма температу-
ралар айирмаси натижасида ҳосил бўлган ТЭЮК.

Агар қавшланган учларининг температураси бир хил бўл-
са ТЭЮК нолга тенг бўлади, чунки иккالا қавшларда ҳам
ҳосил бўлган ТЭЮК нинг қиймати бир-бирига тенг бўлиб,
ўзарли қарама-қарши томонга йўналган бўлади. Демак, $t = t_0$
бўлса,

$$E_{AB}(t_0) = e_{AB}(t_0) + e_{BA}(t_0) = 0, \quad (6.2)$$

$$e_{BA}(t_0) = -e_{AB}(t_0). \quad (6.3)$$

(6.3) натижани (6.1) га қўйиб, қуйидагига эга бўламиз:

$$E_{AB}(t, t_0) = e_{AB}(t) - e_{AB}(t_0). \quad (6.4)$$

(6.4) тенгламадан куришиб турибдики, ТЭЮК нискита ўзга-
рувчан t ва t_0 температуранинг мураккаб функциясида нобар-
рат экан.

Улаималардан бирининг температураси ўзгармас, масалан,
 $t_0 = \text{const}$ бўлса, унда

$$E_{AB}(t, t_0) = f(t). \quad (6.5)$$

(6.5) ифода маъқур термопара учун даражалаш бўли билан
ТЭЮК ва температура нисбатини топиш, температуранинг ўл-
чани масаласини тесқорли ечили кераклигини, яъни термопара-
нинг ТЭЮК ни ўлчан билан температуранинг қийматини аниқ-
лаш мумкинлигини билдиради.

Ўлчаш асбобини ўлчан учун улаималардан биридаги зап-
жирин (6.2-расм, а) эки термоэлектродлардан биричи узин
(6.2-расм, б) керак.

Термопара занжирига учинчи C ўтказкични ўлаш вариант-
ларидаги жамланган ТЭЮК ни куриб чиқамиз, 6.2-расм, а
даги вариант учун:

$$E_{ABC}(t, t_0, t_0) = e_{AB}(t) + e_{AC}(t_0) + e_{CB}(t_0). \quad (6.6)$$


$t = t_0$, яъни улаималарининг тем-
ператураси тенг бўлса,

$$E_{ABC}(t_0) = e_{AB}(t_0) + e_{AC}(t_0) + e_{CB}(t_0) = 0, \quad (6.7)$$

бу тенгламадан маълумки,

$$e_{BC}(t_0) + e_{AC}(t_0) = -e_{AB}(t_0). \quad (6.8)$$

(6.8) тенглама натижасини (6.6)
га қўйиб чиқсак, (6.4) тенглама
келиб чиқади.



6.2-расм. Учунчи ўтказкични
ўлаш схемаси:
а — термоэлектродлардан биричи узин;
б — термоэлектродлардан биричи керак.

6.2-расм, б даги вариант учун:

$$E_{ABC}(t, t_0, t_0) = e_{AB}(t) + e_{AC}(t_0) + e_{CB}(t_0). \quad (6.9)$$

Агар $e_{BC}(t_0) = -e_{AB}(t_0)$ ва $e_{AC}(t_0) = -e_{AB}(t_0)$ ҳисобга олинса, (6.9)
тенглама (6.4) тенгламага айлана-
ди.

Бундан қуйидаги муҳим ҳуло-
саи чиқариш мумкин: термо-
паранинг занжирига учларидаги
температураси бир хил бўлган
учинчи ўтказкич уланганда ҳам
ТЭЮК ўзгармайди. Демак, термопара занжирига ўлаш симла-
ри, ўлчов асбоблари ва қаршиликларни ўлаш мумкин экан.


Температуранинг термоэлектр термометр ёрдамида ўлчаш
учун термометр ҳосил қиладиган термо ЭЮК ни на эркин
учларининг температурасини ўлчаш керак. Агар температуранинг
ўлчанида термометр учларининг температураси 0°C га тенг
бўлса, унда улангандаги температура даражалаш характе-
ристикаси (жадаллар, графикалардан) (6.3-расм) дарҳол то-
пилади. Бу даражалаш характеристикаси термо ЭЮК билан
иш улаимаси (рабочий слай) температураси орасида кучли нобар-
рат экан. Термометр термометрларининг даражалаш харак-
теристикаси, одатда, эркин учларининг температураси 0°C га
тенг бўлганда аниқланади. Агар эркин учларининг температу-
раси амалда 0°C дан фарқ қилса иш, яъни ўзгармас бўлса,
унда иш улаимаси температурасини даражалаш характе-
ристикасида топиш учун термоэлектр термометр ҳосил қиладиган
термо ЭЮК натижа эмас, балки эркин учлари температу-
раси t_0 ни ҳам билдири зарур. Эркин учлари температураси t_0
га $t_0 \neq 0$ бўлганда тузатиш киритиш учун термоэлектр термо-
метр ҳосил қиладиган термо ЭЮК $E(t, t_0)$ га ўзин $E(t_0, 0)$
ни қўйиш лозим; шунда термо ЭЮК $E(t, 0)$ қийматини то-
пилади:

$$E(t, t_0) + E(t_0, 0) = E(t, 0). \quad (6.10)$$

Термоэлектр термометр иш улаимаси температураси t ва
эркин учлари температураси t_0 0°C бўлганда, яъни даража-
лаш шарти бажарилганда шундай $E(t_0, 0)$ ЭЮКни ҳосил қи-
лади.

Агар ўлчаш жараёнида эркин учлар температураси бирор
янги t_0 қиймат қабул қилса, унда термометр ҳосил қиладиган
термо ЭЮК $E(t, t_0)$ га (6.3-расм) ва эркин учлар темпера-
турасини киритиладиган тузатиш $E(t_0, 0)$ га, даражалаш шар-
тига мос термо ЭЮК эса

$$E(t, t_0) + E(t_0, 0) = E(t, 0) \quad (6.11)$$



6.3-расм. Термоэлектр
термометрнинг эркин учлари
температурасини тузатиш

га тенг бўлади.

Термоэлектр термометрининг эркин учлари температурасига киритиладиган тузатма қиймати термометрининг даражалаш характеристикасига боғлиқ бўлади, у эса термоэлектр термометр тайёрланадиган ўлчаш материаллар билан белгиланади.


Тузатмани киритиш усулидан қатъи назар (хисобий ёки автоматик) тузатма қиймати ўзгармай қолади: қайси усул билан тузатма (хисобий ёки автоматик) киритилганидан қатъи назар, схемада $E(t, 0)$ қиймат олинади, бу қиймат кейин термопара термо ЭЮК ига қўшилади. Йиғинди термо ЭЮК $E(t, 0)$ даражалаш қийматига мос келади.

Температурани ўлчашга оид алоқидда масалаларни ечиш учун термоэлектр термометрларни ўлчаш асбоби билан улашнинг турли усуллари қўлланилади (6.4-расм).

6.4-расмда термоэлектр термометрни ўлчаш асбобида улаш схемаси кўрсатилган. Термометр комплектига термопара t_1 улаш сими 2 ва ўлчов асбоби 3 қиради.

Термоэлектр термометрни ўзгартиш коэффициентини олтириш учун бир неча термопараларки (термобатарейларни) кетма-кет улашдан фойдаланилади (6.4-расм, б). Бунда термопаралар ҳосил қиладиган термо ЭЮК қўшилади, яъни n та термопарадан тузилган термобатарейлар термо ЭЮК и алоқидда олинган термопара термо ЭЮК идан катта. Бундай улашдан кам фарқ қилувчи иш температураси t ни ва эркин учлари t_0 ни ўлчашда фойдаланилади.

Икки нуқта орасидagi температура фарқини ўлчаш учун дифференциал термоэлектр термометр қўлланилади. У иккита қарама-қарши уланган бир хил термометрдан тузилган (6.4-расм, в). Агар температуралари фарқи ўлчанаётган нуқталарнинг температураси ўзаро тенг бўлса, унда ўша нуқталарда



6.4-расм. Термоэлектр занжирлар:
а — термометрнинг ўлчаш асбобида улаш; б — термобатарейка;
в — дифференциал термометр.

термометр ҳосил қиладиган ТЭЮК лар ҳам тенг бўлади. Бундай ҳолда термометрдаги занжир токи нолга тенг бўлади, буни қарама-қарши уланганда бир термопаранинг ТЭЮК и билан термопаранинг ТЭЮК и билан компенсация қилинади ва ўлчов асбоби нолни кўрсатади. Агар t_1 ва t_2 температуралар тенг бўлса, у ҳолда қайси температура юқори бўлишига қараб, температуралар фарқига пропорционал бўлган занжир токи бирор йуналишда оқади, буни ўлчов асбоби кўрсатади.

6.2-§. ТЕРМОЭЛЕКТР МАТЕРИАЛЛАР ВА ТЕРМОЭЛЕКТР ЎЗГАРТИКИЧЛАР

Турли ўлчашчиларнинг ихтиёрини жуфти термоэлектр ўзгартикичи ташкил этиши мумкин, ammo ҳар бир жуфтлик ҳам амалда қўлланишга ялмайвермайди. Замонавий ўлчаш техникаси термоэлектр ўлчашчилар тайёрланадиган материалларга қўлдан-қўл талаблар қўйди, ammo бу талабларни жуда кам совида материалларгина қондиради. Асосий талаблар қўйиладиганлардан бири: юқори температуралар таъсирига чидамлик, ТЭЮК нинг каки бўйича ўзгармалиги, унинг иложи борича катта қийматга эга бўлиши ва температурага бир қийматли боғлиқлиги, қаршилиқ температура коэффициентининг катта бўлмаслиги ва катта электр ўтказувчанлиги.

Барча материаллар ва қўтишмалар учун ТЭЮК нинг температурага функционал боғлиқлиги мураккаб бўлиб, уни аналитик ифодалаш анча қийин. Платинородий-платина жуфти бундан истиснодир. Бу жуфтлик учун ТЭЮК билан температура орасидаси боғлиқлиқ 300° дан 1300° С гача бўлган оралиқда совуқ уланма температураси 0° С бўлганда етарлича аниқликда параболага мос келади:

$$E(t, t_0) = a + bt + ct^2, \quad (6.12)$$

бу ерда a , b ва c сурма ($530,5^\circ$ С), кумуш ($961,8^\circ$ С) ва олтин ($1031,0^\circ$ С) ларнинг қўиш температураси бўйича аниқланадиган конинилар.

СССРда СЭВ (СТ СЭВ 1059 — 78) стандартларига кўра кўиладиган металл термоэлектродли термоэлектр термометрлар қўлланади. Уларнинг характеристикалари 6.1-жадвалда келтирилган.

Хромель-копелли ($56\% \text{ Cu} + 44\% \text{ Ni}$) термоэлектр термометрлар стандарт термометрлар орасида энг катта ўзгартичи коэффициентига эга ($7,1 - 90 \text{ мкВ}^\circ\text{С}$). Термоэлектрод диаметр 1 мм дан кми бўлган термометрлар учун чегаравий қўланиш даври 600° С дан кми ва, масалан, диаметри $0,2 - 0,3 \text{ мм}$ бўлган термоэлектродлар учун фақат 400° С ни ташкил этиди. Юқорини ўлчаш чегараси копелли электродлар характеристикаларининг барқарорлигига боғлиқ.

Никельхром — никель алюминийли ($94\% \text{ Ni} + 2\% \text{ Al} + 2,5\% \text{ Mn} + 1\% \text{ Si} + 0,5\%$ қўишма) термометрлар турли муҳит тем-

Стандарт термоэлектр термометрлар

Термоэлектр термометр турлари	Даржашилмаси, белгиси (хиссан)	Ҳақиқат чегараси, °C	Юзгариш Ҳақиқат чегараси, °C	
			Узоқ вақт давомидида	Қисқа вақт қўлланишда
Мис-копелли	—	—200	100	600
Мис-мис-никелли	Т	—200	400	600
Темир-мис-никелли	—	—200	700	900
Хромель-копелли	(ХК)	—60	600	900
Никель-хром-мис-никелли	Е	—100	700	900
Никель-хром-никелли	К	—	—	—
Алюминий-хромель-алюмелли	(ХА)	—200	1000	1300
Платинородий (10%) — платина	S (ПП)	0	1300	1600
Платинородий (30%) — платинородий (6%)	В (ПР)	+300	1600	1800
Вольфрамрений (5%) — вольфрамрений (20%)	(ВР)	0	2200	2500

температураларини кенг чегараларда ўлчаш учун қўлланилади. Улар аввал хромель-алюмелли термометрлар деб юритилар эди. Никель-алюминий симдан тайёрланган термоэлектрод оксидланганга никель-хромга нисбатан камроқ чидамли. Қўлланишнинг юзгориги чегараси термоэлектрод диаметрига боғлиқ. Диаметри 3—5 мм бўлган термоэлектродлар учун қўлланишнинг юзгориги чегараси никель-хром-никель-алюминийли термометрларда 1000°C ни ташкил этади. 0,2—0,3 мм диаметр учун 600°C дан ортиқ эмас.

Платинородий (90% платина + 10% родий)-платинали термоэлектр термометрлар узоқ вақт давомидида 0 дан 1300°C температура оралиғида, қисқа вақт давомидида 1600°C гача бўлган оралиқда ишлаши мумкин. Мазкур термометрлар оксидланадиган ва нейтрал муҳитларда даражалаш харахтеристикасининг барқарорлигини сақлайди. Тикланадиган атмосферада платинородий-платинали термометрлар ишлаш оймайдн, чунки термометр термо ЭЮКнинг кескин ўзгариши юз беради. Булар улардан фойдаланиш мақсадига қараб эталон, намуна ва иш термометрлари бўлилади. Тўғри ишлатилганда даражалаш узоқ вақт давомидида ўзгармайди. Камчиликларига термоэлектр термометрларнинг бошқа турлариникига нисбатан ТЭЭЖК камчилиги киритса бўлади. Термоэлектрод сими диаметри 0,3 ёки 0,5 мм ни ташкил этади.

Платинородий (30% родийли)-платинородийли (6% родийли) термоэлектр термометрлар узоқ вақт давомидида температураларнинг +300°C дан то 1600°C гача оралиғида, қисқа вақт давомидида 1800°C гача қўлланилади. Мусбат электрод — 30% родий ва 70% платина қотишмасидан, манфий электрод — 6% родий ва 94% платина қотишмасидан ташкил топган. Мазкур

термометрлар платинородий-платинали термометрларга қараганда даражалаш харахтеристикаларининг барқарорлиги юзгорилити билан ажралиб туради, аимо бу термоэлектродлар ҳам тикланадиган муҳитда ёмон ишлайди. Платинородий-платинородийли термометрларда термо ЭЮК температураларининг 0...+3100°C +100°C нигервалида озгина ҳосил бўлади, бу ҳол эса совуқ уланмалар температурасига тузатиш киритишни талаб этади.


Вольфрамрений-вольфрамренийли (ТВР — 5/20 ва ТВР — 10/20) термоэлектр термометрлар узоқ вақт давомидида 0 дан 2200°C гача температураларни ва қисқа вақт давомидида 2500°C гача, шунингдек, вакуумда, нейтрал ва тикланадиган муҳитларда температураларни ўлчашга мулкжалланган. Мусбат термоэлектрод 95% вольфрамдан ва 5% ренийдан ёки 90% вольфрамдан ва 10% ренийдан ташкил топган қотишма, манфий электрод 80% вольфрамдан ва 20% ренийдан ташкил топган қотишма.

СССР давлат стандартлари СЭВ 1059—78 стандартига мослаштирилган бўлиб, шуларга мос равишда СССРда термоэлектр узгартичларнинг 9 туридан фойдаланилади. Термометрларнинг баъзи турлари (мис-копелли, хромель-копелли, вольфрамрений-вольфрамренийли ВР 5/20 ёки ВР 10/20) учун аввалги номлари ва даражалаш харахтеристикалари ҳам қолди. СЭВ стандарти бу термометрлар учун ҳеч қандай белгилешлар киритмади. Бошқа тур термометрлар учун янги номлар ва белгилешлар киритилди: никель-хром-никель-алюминийли термометрлар учун белгилешлар узгарили (ПП турига S, ПР турига В киритилди) ва даражалаш харахтеристикаси узгарили. Бундан ташқари, аввалда СССРда серияли ишлаб чиқарилмаган қатор янги термометрлар жорий қилинади:


Мис-мис-никелли (мис-константан термометрасига яқин) Т тури, темир-мис-никелли (темир-константан термометрасига яқин) J тури ва никель-хром-мис-никелли, Е тури.

6.5-расмда баъзи стандартлаштирилган термоэлектр термометрларининг ЭЮК билан температура орасидаги боғланиш курсатилган. ТХК туридаги термометрларга қараганда анча катта ТЭЭЖК ҳосил қила олади.

Термоэлектр температур термометр сонитиш ва турли ўл-



6.5-расм. Стандарт термоэлектр термометрларининг харахтеристикалари



6.6-расс. Термопаранинг
структура схемаси

чов асбобларида ирим ўлчамли термопаралар ишлатилади. Уларнинг ТЭЖК металл на металл қўшиқчаларида ишлаган олдда термопаралар ТЭЖКда 5—10 марта катта. Бу термопараларда термоэлектрод материаллари сифатида $ZnSb$ ва $CdSb$ қўшиқчалари ишлатилади.

Турли муҳитлар температура-сини ўлчайдиган термопаранинг схемаси 6.6-расмда кўрсатилган. У гилоф 1, қўзғалмас ёки қўзғалувчан шүшсер 2, қўзғалмас шүшсер билан найча 6 орқали, шүшсер ҳаракада бўлганда эса гилоф билан бевоСИТА уланган металл 3 дан иборат. Қопқоқда изоляциячи материалдан ишлаган розетка 4 жойлашган. Бу розетканинг термопарани ўлчов асбоби билан улайдиган термоэлектрод 5 ва симлар учун қисқичлари бор.

Химия гилофлари кўпинча $+1000^{\circ}C$ гача температуралар учун пулатнинг турли маркаларидан тайёрланади. Бундан ҳам юқориқ температураларда қийин эрийдиган бирикмалардан (ГОСТ 13403-77) тайёрланган махсус гилофлар ишлатилади. Термоэлектр термометрларнинг химия ариятурасининг купиния лойиҳаси ҳозирги вақтда бир шаклга келтирилган. Улар асосан турли босимга мулжалланган химия гилофлари лойиҳаси ва шүшсерлар лойиҳаси билан фарқ қилади.

Охириги шаклда кабелли турли термоэлектр термометрлар кенг тарқалмоқда. Улар босим 40 МПа булганда -50° дан $+1100^{\circ}C$ гача бўлган температуралар оралиғида қўлданнилади. Кабелли турдаги термометрларнинг муҳим афзаллиги уларнинг АЭСларнинг энергетик реакторларида ишлаган икон туғдирадиган радиацион чиламлиги, шунингдек, иссиқлик зарбаларига тебранишга ва ме-

ханик яғрузкаларга исбатан олирилган чидамлилигилан иборат.

Сирт температураларини ўлчашга мулжалланган термоэлектр термометрлар махсус конструкцияга эга. Бундай термопаралардан химия саноатида иенг фийдаланилади, улар турли аппарат, трубопровод, машиналарнинг айланувчи жўваси ва ҳокказоларининг сирт температурасини ўлчашга хизмат қилади.

Махсус термоэлектр термометрлардан вертикал аппаратларда (аммиак синтези колонналарида, метанол ва ҳ.т. температурани ўлчаш учун ишлатиладиган кўп шакли термометрларни кўрсатиш мумкин.

Термопараларнинг асосий камчилиги сифатида уларнинг инерционлигининг катталигини кўрсатиш мушаш (1,5 минутдан ҳам ошадн).

6.3-§. УЗАТУВЧИ ТЕРМОЭЛЕКТРОД СИМЛАРИ

Термоэлектр термометрия ўлчов асбоби билан улайдиган симлар шундай материаллардан тайёрланаднн: улар ўзарн жуфт бўлиб, ўзлари улаган термоэлектр термометрлар ҳосил қиладиган ЭЮК ни (ушя температураларла) ҳосил қилади. Бундай талаб тахминан $100^{\circ}C$ температура билан чегараланади, бундан юқори температурада термоэлектр термометр ва улайдиган симларнинг характеристикалари бир-бирдан фарқ қилиши мумкин. Бундай бўлишига айа кўйиладн, кўнн улайдиган симларнинг температураси, одатда, кўнн бўлилади. Кўрсатилган талаблар бажарилганда термокомпенсацион симлар термоэлектр термометрия (термопарани) улайдиган симлар узунлиги қадар узайтиради, термопаранинг эркин учлари эса ТЭЖК ни ўлчашга мулжалланган асбобнинг клеммаларида бўлиб қолади. Юқорида кўрсатилган талабга рива қилимаслик термопаранинг эркин учларини ўлчаш симлари билан улайдиган жойларда уланмаларининг пайдо бўлиши каттажасида „паразит“ ТЭЖК ҳосил бўлишига олиб келиши мумкин. Агар узайтирувчи симлар термометрини каби даражалаш характеристикасига эга бўлса, „паразит“ ТЭЖК ҳосил бўлишдан халос бўлинади.

Узайтирувчи термоэлектр симлар бир ва кўп симли қилиб, изоляцияда ва ташқи қоплама ёки қобиқлик қилиб ишлнб чиқарилади, бу монтаж қилиш ва ётқизишда қулай. Изоляциялаш учун поливинилхлорид, полиэтилентерефталат ва фторопласт плёнкалардан фойдаланилади. Изоляциядан ташқари симлар кўпинча поливинилхлорид қобиқ ёки лавсан ил ёхуд шннша ил билап чирмаб ўралади.

Агар ташқи электр магнит майдондан ва механик таъсирдан сақланиш талаб этилса, унда мнс, пулат симли (ГОСТ 24335-80) қоплама ёки экранлар қўлланилади.

Ҳар бир сим материали изоляциянинг ўз рангиға ёки симларнинг ўрачасида ва қопламис рангидаги симларга эга бў-

лади, 6.2-жадвалда термопаралар, таъсия этиладиган узайтирувчи термоэлектрод симлар, уларнинг белгилари ва ранглари келтирилган.

6.2-жадвал

Таъсия этиладиган узайтирувчи термоэлектрод симлари

Термопара	Узайтирувчи термоэлектрод симлари		
	Белгилар	Жуфт-симлар	Ранг
Мас-копеллин	МК	Мас-копелл	Қизил (пушти)-сарис (тўқ сарис)
Мас-хромельдин	М	Мас-хромеллин	Қизил (пушти)-кўк (яшил)
Хромель-копеллин	ХК	Хромель-копелл	Бинафша (қоқа)-сарис (тўқ сарис)
Никель-хромель-копеллин	М, МТ-НН	Никел-хромелл	Қизил (пушти)-кўк (яшил)
Платина-родий-платина	П	Платина-родий	Қизил (пушти)-яшил
Вольфрам-рений-вольфрам-рений	М-НН	Мас-копеллин МН, 2,4	Қизил (пушти)-кўк (яшил)


6.4-§. ТЕРМОЭЛЕКТР ТЕРМОМЕТР ЭРКИН УЧЛАРИ ТЕМПЕРАТУРАСИНИНГ ЎЗГАРИШИНИ КОМПЕНСАЦИЯЛАШ УСУЛЛАРИ

Термопара совуқ уланмалари температураси ўзгармас бўлгандагина тўғри ўлчам мумкин. Аммо бу температуранинг ўзгармас бўлиб қола олмайди. Шунинг учун термометрнинг совуқ уланмаларини ўлчам объектдан нарисда — температуранинг ўзгармас зонасига олиш лозим. Шу мақсадда махсус компенсацион (узайтирувчи) симлардан фойдаланилади.

Юқорида айтилганидек, термопара билан температуранинг ўлчамда термометрнинг эркин учларидаги температуранинг ўзгаришига қараб тузатиш киритилади. Саноатда автоматик равишда тузатиш киритиш учун кўприк схемалар қўлланилади (6.7-расм).

Кўприк термосарага кетма-кет уланади. Унинг R_1, R_2, R_3 томонлари магнитланади. R_4 томони эса мисдан ишланади. R_5 кўшимча ҳаракатли кўприкка берилган қуллашнинг етарли даражада етказиб бериш учун ҳизмат қилади. Энгиринг ўзгармас тоқ манбаидан олганда R_2 нинг ўзгаришига қараб кўприкни турлича даражаланган термосаралар билан ишлашга ростлаш мумкин. Термосарадан компенсацион кўприкка термоэлектрод симлар ўтказилади, кўприкдан ўлчам асбоби-гача эва мис симлар уланади.

Термопара эркин учларининг даражаланган температураси-да кўприк мувозанат ҳолатда бўлиб, кўприкнинг ая учлари-



6.7-расм. Термопара эркин учларининг температурасини автоматик компенсациялаш схемаси:
1 — компенсацион кўприк; 2 — термопара;
3 — милливольметр; 4 — тоқ манбаи

даги потенциаллар айирмаси нолга тенг бўлади. Эркин учларининг температураси ўзгариши билан барга R_2 қаршиликнинг қиймати ҳам ўзгаради, натижада кўприк мувозанати бузилади ва унинг ая учларидаги потенциаллар айирмаси ўзгаради. Бу айирманинг қиймати эркин учларидаги температуранинг ўзгариши сабабли пайдо бўлган ТЭОК нинг тесқари нисорани қий-матига тенг бўлади.

6.5-§. МИЛЛИВОЛЬТМЕТРЛАР

Ҳозир термоэлектр термометрлар (термосаралар) даги ТЭОК ни ўлчам учун магнитоэлектр милливольтметрлар, потенциал-метрлар ва ўзгарткичлар кенг қўлланилмоқда.

Милливольтметр — магнитоэлектр ўлчам асбоби бўлиб, улар-нинг ишлаш принципи унинг қўзғалувчан рамкасида ўтаёт-ган токнинг ўзгармас магнит майдони билан ўзаро таъсирга асосланган.

Милливольтметрнинг тузилиши 6.8-расмда кўрсатилган. До-ний магнит 1 нинг қутб учлари 2 ва таъия товонослари 3 да айланадиган ўқларда жойлашган ўзақ 3 орасидаги ҳаво оралигида рамка 5 бор. Рамканинг учлари ўқлар 7 га уланган Рамкага кронштейн 9, стрелка 10 уланган. Стрелканинг уча-шкала 11 бўйлаб силжийди. Рамка термопара занжирига ула-ганда спираль-пружина 6 орқали келадиган ток рамкадан ўта-ди. Рамканинг чулғами орқали ток ўтганда ҳосил бўлган магнит



1.8 рсм. Милливольметрнинг тузатиш.

дантирувчи момент қўлидаги ифода орқали аниқланади.

$$M_{\text{дл}} = C_1 \cdot B \cdot J, \quad (6.13)$$

бу ерда $M_{\text{дл}}$ — айлантирувчи момент; C_1 — рамканинг геометрик ҳажми ва чўзиқларини билан алоқаландириган доимий коэффициент; B — аззордаги магнит муҳимлиги; J — рамкадаги ток.

Айланмишга тескари таъсир этувчи момент

$$M_{\text{тес}} = C_2 \cdot E \cdot \varphi, \quad (6.14)$$

бу ерда C_2 — эластик ҳажмат (спираль-пружина ёки чўзилган тозалар) таъсирини ҳисобга олиган доимий коэффициент; E — спираль пружиналарнинг эластиклик модули ёки чўзилган тозаларнинг силаниш модули; φ — эластик ҳажматнинг буриш бурчаги. Агар $M_{\text{дл}} = M_{\text{тес}}$ яъни мувозанат ҳолати бўлса,

$$C_2 \cdot E \cdot \varphi = C_1 \cdot B \cdot J, \quad (6.15)$$

У ҳолда

$$\varphi = \frac{C_1}{C_2} \cdot \frac{B}{E} \cdot J = C \cdot \frac{B}{E} \cdot J, \quad (6.16)$$

Асбоб конструкциялари параметрларига боғлиқ бўлган C , B , E катталиклар ўлчаш жараёнида ўзгармайди, шунинг учун

$$\varphi = K \cdot J, \quad (6.17)$$

бу ерда

$$K = C \cdot \frac{B}{E}$$

(6.17) ифодадан пирометрич милливольметр шкаласи чиқиқ эканлигини кўриш мумкин.

Асбоб қўзғалувчан системасининг бурилиш бурчаги рамкада ўтатиш ток кучидан ташқари яна термопара, улайдиган силлар ва милливольметрларнинг ички қаршилигига ҳам боғлиқ:

$$\varphi = KJ = K \cdot \frac{E_1}{R_1 + R_2 + R_3} \quad (6.18)$$

бу ерда E_1 — ТЭЮК; R_1 — термипара қаршилиги; R_2 — улайдиган силлар қаршилиги; R_3 — милливольметрнинг ички қаршилиги.

(6.18) ифодадан асбоб стрелкасининг чегга чиқиши ТЭЮКнинг ўзгармас қийматида занжирнинг турли қаршиликларига боғлиқ эканлиги кўриниб турибди. Шунинг учун асбобнинг даражаланиши занжир ташқи қисмининг муайян қаршилигига ($R_{\text{ш}} = R_1 + R_2$) бажарилади ва қушимча хатоларга йўл қўймаслик учун пирометрич милливольметрни монтаж қилиш процессида шу қаршилиқ аниқ сақланиши шарт. Одатда, ташқи қаршилиқнинг даражаси миқдори 0,5; 1,5; 5; 15; 25 Омга тенг бўлиб, асбобнинг шкаласи ва паспортда кўрсатилади. Ташқи қаршилиқни милливольметр шкаласида кўрсатишга қаршилиққа тенглаштириш учун ўзгарувчи қаршилиқдан фойдаланилади.

Ўлчаш асбоби, сифатида ишлатиладиган милливольметрли термоэлектрлар комплексининг қамчилиги ўлчаш асбобида ток мавжудлигидар. Ток миқдорига, яъни милливольметрнинг кўрсатишига ТЭЮКдан ташқари занжирнинг қаршилиги ҳам таъсир қилади:

$$\Sigma R = R_1 + R_2 + R_3$$

Ҳар бир қаршилиқнинг ўзгариши ўлчашда содир бўладиган хатога олиб келади. Нозулай шартда бу хато асосий хато миқдоридан (аниқлик классидан) ошиб кетиши мумкин.

Техник милливольметрларда рамка қаршилигининг милливольметр умумий қаршилигига нисбати 1:3 дан ортқ эмас. Милливольметрнинг умумий қаршилигини орттириб борилса, унинг температурали коэффициенти камайиб боради. Шу билан ятроф-муҳит температураси тебранишидан келиб чиқадиган хатolik ҳам камайди. Агар термопара эркин учларининг температураси ўлчаш жараёнида кенг чегараларда ўзгарса, унда куприк схемасидан фойдаланган ҳолда совуқ уланмалар температурасини компенсация қилиш усули қўлланилади.

Сановатда ва лабораторияларда қўлланиладиган милливольметрлар курсатувчи, ўзи ёзувчи ва бошқариладиган бўлиши мумкин. Конструкциясининг бажарилиши нуқтани назаридан асбоблар шитда ўрнатиладиган ва кучма бўлади. Кўчма асбоблар учун 0,2; 0,5 ва 1,0 (ГОСТ 9736 — 80), шитда ўрнатиладиган 0,5; 1,0 ва 1,5 аниқлик класслари белгиланган.

Милливольметр шкаласида у билан бир комплекта ишлайдиган термопара ёки тула нурланиш пирометрининг даражаланиши кўрсатилади.

Бундай ҳолда компенсацион закирдаги ток кучи қўйилганга
ифодаланади:

$$I = \frac{E_{\text{сир}}}{R_{\text{сир}}} \quad (6.25)$$

Термопаранинг ТЭОЖ нинг ўлчовчи $П$ переключатель $К$ азия-
ятдан $З$ азиятга ўқивилган. Реохорд R_p нинг A сирланганини-
ни салжатиб B ва C нукталар орасидаги потенциаллар айир-
маси термопара ТЭОЖ га тенглаштирилади. Шу пайтда
термопара закирдаги ток кучи 0 га тенг, шунинг учун

$$E (I, I_0) = I \cdot R_{\text{сир}} = \frac{E_{\text{сир}}}{R_{\text{сир}}} \cdot R_{\text{сир}} \quad (6.26)$$


$E_{\text{сир}}$ ва $R_{\text{сир}}$ ларнинг миқдори ўзгармас бўлгани учун ТЭОЖ га
аниқлаш қариндаги тармоқининг узунлигини аниқлаш бевари
бараварлар.

ЭОЖ ни компенсацион усул бўйича ўзгарувчан ток шарон-
тада ҳам ўлчаи мумкин. Аммо бу ҳолда ўлчови аниқлиги
бирмунча пастроқ, ўзгарувчан токда ишлайдиган асбоблар эса
бирмунча мураккаброқдир. Қўчма потенциометрлар шех аз ла-
боратория шаронларига текширув ва даражалаш ишларига
ЭОЖ ни компенсацион усул бўйича ўлчаш учун қўлланилади;
намуна потенциометрлар аниқ ўлчашларни бажаришда ишла-
тади. Бу асбобларнинг ўлчаш схемалари эҳқориди кўрилади
схемага ўқивил, фақат фарқи шундаки, ўлчов реохорди наму-
на даражалашлардан ташқил топган секциялар шаклида тайёр-
ланади. Эҳқориди кўрилаган потенциометрларда ўлчаш эважи-
рининг нобаллиси токи ноли индикатор стрелкасини ҳаракатга
кетаради, автоматик потенциометрларда эса бу асбоб йўқ.
Унинг ўрнига ноли индикатор ишлатилади.

Қўчма потенциометрлардан фарқли ўлароқ автоматик потен-
циометрлардаги реохордининг сирлангани қўч билан эмас, мах-
сус курилма орқали автоматик равишда салжиди. 6.10-расм-
да электрон автоматик потенциометрнинг тузиланиш схемаси
кўрсатилган.

77 термопарада ТЭОЖ E , ни ўлчаш уни калиброванган
 R_p реохорд кучланганининг камайиши билан таққослаш ор-
қали бажарилади. Потенциометрнинг компенсацион схемаси
сирланган K ан реохорд R_p ўзгармас кучлангани E , ни ўзга-
рувчан кучланганига айлантириб берувчи ўзгартгичли электрон
кучайтиргич I , реверсив электр даягатель 2 ва ток манбаи
 E_0 дан иборат. Электр даягатель 2 редуктор 3 орқали сирлан-
ган K ва стрелка 4 билан боғланган. Компенсацион схеманинг
иши сирланган реохорд бўзлаб кучланани тушуви томон
автоматик салжиди. Бу салжини реверсив электр даягатель
 $РД$ ёрдамида бажарилади ва номувозанат кучланани нолига
тенг бўлувчи раком этади. Шундай ҳалиб, сирланган K ва
ўнга бирыктирилган стрелканинг вазияти ТЭОЖ нинг қийма-
тини, демак, ўлчаволиган температуранинг миқдорини кўрса-


76



6.10-расм. Электрон автоматик потенциометрнинг тузиланиш схемаси.

тади. Қаринилик K компенсацион алажидаги иш томон рост-
лаш учун хизмат қилади.

6.11-расмда аламондаи электрон автоматик потенциометр
(КСП-4) ўлчаш қисмининг принципаи схемаси келтирилган.



6.11-расм. Электрон автоматик потенциометр ўлчаш қисмининг
принципаи схемаси

77

[illegible]

АВТОМАТИКЕ ПОУЩИЦНОМЕТРАЗДРИНИ ТЕКУЩЕ НАЗНАЧЕНОСТИ

Полнометражная тура (полная метрическая тура)	Планируемые расходы на один метрический затратный, руб.	Количество контрактов	Абсолютная величина затратного, руб.	Планируемые нагрузки, контракты	Коэффициент нагрузки
КСП-1 (1, 3, 6 на 12)	$\frac{1, 2, 3 \text{ на } 10}{250}$	40	$400 \times 100 \times 357$	20; 60; 140; 340; 600; 720; 1800; 2400; 8400; 2300; 24 контракта по 40 контрактов	$\frac{40}{1,0}$ $\frac{1,0}{1,0}$
КСП-3 (вар. метрическая) КСП-2 (1, 3, 6 на 12)	$\frac{3 \text{ на } 10}{150}$ $\frac{2,5 \text{ на } 10}{180}$	60	$320 \times 320 \times 380$ $240 \times 320 \times 450$	20; 40; 60; 120; 240; 630; 1200; 2100;	$\frac{0,1}{1,0}$ $\frac{0,2}{1,0}$
КСП-1 (вар. метрическая) КСП-1 (вар. метрическая) КСП-1 (1, 6 на 12)	$\frac{2,5 \text{ на } 5,0}{160}$ $\frac{2,5 \text{ на } 5,0}{300}$ $\frac{2,5 \text{ на } 10}{500}$	15	$160 \times 200 \times 500$ $160 \times 160 \times 500$ $240 \times 160 \times 535$	10; 30; 40; 60; 80; 120; — —	$\frac{1,0}{1,0}$ $\frac{1,0}{1,0}$ — $\frac{0,5}{1,0}$

Кўп ҳолларда температурани стандарт термоларлар билан ўлчаши учун типавий ўлчаш схемали потенциометр таълиши бўлиши. Стандарт термоларлардан фойдаланганда ёки потенциометрнинг даражасининг ўзгариши зарурати туғилганда автоматик электрон потенциометрнинг ўлчаш схемасини ҳисоблаб чиқишга тўғри келади.

Потенциометрнинг ўлчаш схемасини температуранинг белгиланган бўлиши ва сўнгги қийматида t_0 ва t_1 бўлиши ҳисоблаб ва термоларнинг даражасини ҳарактеристикасидан ТЭОҚлар E_0 ва E_1 нинг қийматлари топилади.

Юқоридаги ва пастки ўлчаш шохобчаларидаги тоқлар (6.11-расмга қаранг) реохорд ва резисторлардаги кучланиш тушу-рининг миқдори етарли бўлиши шартидан, шу билан бир вақтда резисторлар схемасининг сезиларли қизимаслиги шarti билан таълилади. Одатда $I_1 = 3$ мА ва $I_2 = 2$ мА деб қабул қилинади.

ТЭОҚ диапазони

$$E = E_1 - E_0 \quad (6.27)$$

Сўнгги таянч (таққословчи) резисторнинг R_0 қаршилигини ундаги кучланиш тушуви нормал элементнинг ЭОҚ ига тенг бўлиши шартидан топилади:

$$I_2 R_0 = E_{\text{нр}}, \text{ яъни } R_0 = \frac{E_{\text{нр}}}{I_2} \quad (6.28)$$

бунда $E_{\text{нр}} = 1,019$ В — нормал элемент ЭОҚи.

Балласт ва бошқаруш резисторларининг таъминлаш манбаи занжирдаги қаршилиги қийматини мос равишда $R_{\text{нр}} = 759$ Ом ва $R_{\text{нр}} = 56$ Ом қабул қилинади.

Шунинг учун I_1 тоқ оқётган R_0 қаршилидаги кучланиш тушуви ўлчаш диапазонида (E кучланиш тушуви) мос келиши, яъни $I_1 \cdot R_0 = E$ бўлиши лозим, бундан

$$R_0 = R_0 \cdot R_{\text{нр}}(R_0 + R_{\text{нр}}) \quad (6.29)$$

Эквивалент қаршилиқ берилган бўлса (90, 100, 300 Ом), $R_{\text{нр}}$ осонгина ҳисобланади:

$$R_{\text{нр}} = R_0 \cdot R_{\text{нр}}(R_0 + R_{\text{нр}}) \quad (6.30)$$

Реохорд занжирининг келтирилган қаршилиги R_0 параллел уланган қаршилиқлар R_0 , $R_{\text{нр}}$ ва R_0 лардан тузилган бўлади. Шунинг учун I_1 тоқ оқётган R_0 қаршилидаги кучланиш тушуви ўлчаш диапазонида (E кучланиш тушуви) мос келиши, яъни $I_1 \cdot R_0 = E$ бўлиши лозим, бундан

$$R_0 = \frac{E}{I_1} \quad (6.31)$$

Иккинчи томондан, реохорд занжири қаршилигининг келти-

рилган қийматини реохорднинг эквивалент қаршилиги R_0 ва шкала учи қаршилиги R_0 лар орқали ифода этиш мумкин:

$$R_0 = R_0 \cdot R_{\text{нр}}(R_0 + R_{\text{нр}}) \quad (6.32)$$

Энди (6.31) ва (6.32) формулаларнинг ўнг томонларини мос равишда тенглаштириб қуйидагиларни топилади:

$$R_0 = E \cdot R_{\text{нр}}(R_0 + R_{\text{нр}}) \quad (6.33)$$

резистор R_0 ва $R_{\text{нр}}$ ларнинг қаршилиги бошланғич температура (t_0) ўлчашда ўлчаш схемасининг мўъвозанат даражаси топилади (реохорд сирпангичи четки чап ҳолатда бўлади, (6.11-расм)). Ўлчаш схемасининг чап шохобчасида a ва b нүкталар орасида R_0 ва $R_{\text{нр}}$ резисторлардаги кучланиш тушуви ТЭОҚ билан компенсацияланади, яъни

$$R_0 = I_1 \cdot R_0 - I_2 \cdot R_{\text{нр}} \quad (6.34)$$

Термолар эркин учлари температураси ўзгаришининг чегара қиймати t_0 50°C дан ортмайди. Агроф-муҳит температураси ўзгаришининг шу диапазонида (6.34) тенглама қуйидаги кўринишни олади:

$$E_0 - E_{\text{нр}}(t_0, t_0) = I_1 \cdot R_0 - I_2 \cdot R_{\text{нр}}(t_0) - I_2 \cdot R_{\text{нр}} \quad (6.35)$$

бунда $E_{\text{нр}}(t_0, t_0)$ эркин учлар температураси t_0 дан t_0 га кўтарилганда термолар ТЭОҚи нинг тушуви: $\Delta R_{\text{нр}}$ — эркин учлар температураси t_0 дан t_0 га кўтарилганда резистор қаршилиги $R_{\text{нр}}$ нинг орттирмаси. Мис резистор қаршилигининг орттирмаси:

$$\Delta R_{\text{нр}} = R_{\text{нр}}(t_0) - R_{\text{нр}}(t_0) = R_{\text{нр}} \cdot \alpha \cdot t_0 \quad (6.36)$$

бунда α — мис учти электр қаршилигининг $4,26 \cdot 10^{-3} \text{K}^{-1}$ га тенг бўлган температура коэффициентини

Энди (6.34) дан (6.35) тенгламанинг чап ва унг томонларини мос равишда айириб, I_2 ва $\Delta R_{\text{нр}}$ ларга (6.28) ва (6.36) лардан фойдаланиб алмаштирсак, эркин учлар температураси $t_0 = 0^\circ \text{C}$ га тенг бўлганда R_0 қаршилиқ қуйидаги формуладан топилади:

$$R_0(t_0) = \frac{E_{\text{нр}}(t_0, t_0) \cdot R_{\text{нр}}}{E_0 - E_{\text{нр}}(t_0, t_0)} \quad (6.37)$$

Агар (6.35) тенгламани $R_{\text{нр}}$ га нисбатан, $R_{\text{нр}} = (t_0) + \Delta R_{\text{нр}} = R_{\text{нр}}(t_0)$ эканлини эътиборга олиб ечсак, қуйидаги муносабатни оламиз:

$$R_0 = \frac{I_1 R_0(t_0) + E_0 - E_{\text{нр}}(t_0, t_0)}{I_1} \quad (6.38)$$

балласт резистор қаршилик R_0 ни улчаш схемаси уш шот-тобчаси мувозанатли шартдан фойдаланиб топилди, яъни

$$R_0 = R_1(1 - \alpha_1) = I_1 R_2 - I_2 R_0 - R_0 \cdot I_1 \quad (6.34)$$

Ушбу $I_1 R_2 = E_2$ ва $I_2 R_0 = E$ тенгликлардан фойдаланиб, қуйидаги муносабатни топамиз:

$$R_0 = \frac{E_2 - E = R_2(I_1 - I_2) - E}{I_1} \quad (6.40)$$

Шунинг схемаси ИПС-148П пилли стабилизатордан манбадан таянчиланади. $E_2 = 5В$ ўзгармас токининг кучи $I = 5мА$ бўлганда (берқарор (стабилизатор) қўқлаиш бўлишини таъминлайди).

Агар термометра температура компенсациясини талаб этмаса, унда $5 мА$ ни R_0 қаршилик манганидан тайёрланади.

Иш тек тузини чеклаш ва бошқариш учун балласт қаршиликлардан фойдаланилади: $R_{01} = 750 \Omega$ ва $R_{02} = 56 \Omega$. Схеманинг жириш филтрида $R_0 = 600 \Omega$ қаршилик ва $C_0 = 30 \mu F$ конденсатор бўлади.

7-БОБ. ҚАРШИЛИК ТЕРМОМЕТРЛАРИ

1-§. ҚАРШИЛИК ТЕРМОМЕТРЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Температурани қаршилик термометрлари билан улчаш температура ўзгариши билан электр ўтказгич ҳамда ярим ўтказгичлар электр қаршилигининг ўзгариши хусусиятига асосланган. Демак, ўтказгич ёки ярим ўтказгичнинг электр қаршилиги унинг температураси функциясида иборат, яъни $R = f(t)$. Бу функциянинг қурилиши термометр қаршилиги материалнинг ҳосилларига боғлиқ. Қўқчилик тоза металлларнинг электр қаршилиги температура кўтариллиги билан ортади, металл оксидлари (ярим ўтказгичлар)нинг қаршилиги эса камаяди. Қаршилик термометрларини тайёрлашда қуйидаги талабларга жавоб берувчи тоза металллар қўлланилади:

1. Ўтказгичлик мўҳитда метала оксидланмаслиги ва химиявий тарини ўзгаришмаслиги керак.
2. Металлнинг температура қаршилик коэффициенти отарли даражада катта ва барқарорлашган бўлиши лозим.
3. Қаршилик температура ўзгариши билан тўғри ёки раволири чизик бўйича кескин четга чиқишларсиз ва гистерезис ҳолатларсиз ўзгариши керак.
4. Солиштирма электр қаршилик денрли катта бўлиши керак. Маълум температуралар оралиғида юқоридаги талабларга платина, мис, никель, темир, вольфрам каби металллар жавоб беради.

Температура ўзгариши билан электр қаршилигининг ўзга-

ришини характерловчи параметр электр қаршилигининг температура коэффициенти дейилади.

Температура коэффициенти температурага боғлиқ бўлган металллар учун у фақат температурадан ҳар бир ҳаёлате учун аниқлаиши мумкин:

$$\alpha = \left(\frac{1}{R_0} \right) \left(\frac{dR}{dt} \right) \quad (7.1)$$

бунда R_0 ва $R_1 = 0$ ва $t^\circ C$ температурали қаршилик. Температура коэффициенти $^\circ C^{-1}$ ёки K^{-1} ларда ифодаланади. Қўқчилик сод металллар учун температура коэффициенти $0,0035 - 0,065 K^{-1}$ кўтириларда етади. Ярм ўтказгич металллар учун температура коэффициенти манфили ва металларикидан бир тартибга кўп ($0,01 - 0,15 K^{-1}$) бўлади.

Ҳозир қаршилик термометрларини тайёрлаш учун мис, платина, никель ва темирдан фойдаланилади.

Мис арзон материал бўлиб, унинг қаршилиги аналда температурага чизикдан боғлиқ, яъни

$$R_t = R_0(1 + \alpha t) \quad (7.2)$$

бунда R_0 ва $R_1 = 0$ ва $t^\circ C$ температурада термометр қаршилиги.

α — мис сикнинг температура коэффициенти: $\alpha = 4,28 \cdot 10^{-3} K^{-1}$.

Мис оксидланиши туфайли у $200^\circ C$ дан ортиқ бўлмаган температураларни улчашда қўлланилади. Миснинг камчиликларига унинг солиштирма қаршилигининг камлигини киритса бўлади: $\delta = 0,17 \cdot 10^{-4} \Omega \cdot m$. Солиштирма қаршилик қаршилик термометрининг габаритига таъсир этади: солиштирма қаршилик қанча кам бўлса, сик шунча кўп керак бўлади (шундай қаршиликни ураш учун), шунинг учун термометр габарити шунча катта бўлади.

ГОСТ 6651—78 га кўра мисдан тайёрланган қаршилик термометрлари -200 дан $+200^\circ C$ гача температураларни узоқ вақт давомида ўлчашда қўлланилади. Улар II ва III классларда чиқарилади. Номинал қаршиликлар $0^\circ C$ да $10, 50$ ва 100Ω ни ташкил этади.

Платина — қимматбаҳо материал. Химиявий жиҳатдан инерт ва сиф ҳолда осонлик билан олинади. Платинадан тайёрланган қаршилик термометрлари -269 дан $+1114^\circ C$ гача температураларни улчаш учун қўлланилади. Платина қаршилигининг температурага боғлиқлиги мураккаб боғланишдан иборат бўлиб, -183 дан $0^\circ C$ гача температура оралиғида қуйидагича езилиши мумкин:

$$R_t = R_0[1 + At + Bt^2 + Ct^3(t - 100)], \quad (7.3)$$

0 дан $+630^\circ C$ гача оралиқда эса.

$$R_t = R_0[1 + At + Bt^2] \quad (7.4)$$

тарзда ифодаланади, бунда R_0 ва R_1 мос равишда t ва $0^\circ C$ температураларда платини қаршилиги; A, B, C — ўзгариш коэффициенти бўлиб, уларнинг қиймати термометри даража-

лашда кислород, суи ва олтингургуртнинг жайнаш нуқта-
буинча аниқланади. Стандарт қаршилик термометрларида
хисилланган ПЛ-2 маркали платина учун (7.3) ва (7.4) те-
малардаги коэффициентлар қуйидаги қийматларга эга:

$$A = 3,96847 \cdot 10^{-5} \text{ } ^\circ\text{C}; \quad B = -5,847 \cdot 10^{-3} \text{ } ^\circ\text{C}; \\ C = -4,22 \cdot 10^{-12} \text{ } ^\circ\text{C}.$$

Техник термометрларни тайёрлашда ишлатиладиган
маркали платина учун $R_{100}/R_0 = 1,391$.

0°C да платинали қаршилик термометрлари қуйидаги
қаршиликларга эга бўлиши мумкин: 1, 5, 10, 50, 100 ва 500 Ом
(амалда $R_0 = 46$ Ом ли термометрлар ишлатилади). Бу қар-
шилик термометрлари учун ўзгаришнинг номинал статис-
тико-рактикаси қуйидаги белгиланган киритилган: 10П,
10П, 50П, 100П ва 500П ($R_0 = 46$ Ом қаршиликли тер-
мометрлар Гр21 деб белгиланган).

Платинанинг камчиликларидан бири унинг тикловчи
хитиди металл бўғларни, углевод оксиди ва бошқа мод-
дани ифлосланишидир. Бу айниқса юқори температура-
да намоён бўлади.

СЭВ 1057—78 стандартига мувофиқ никелли ва тем-
ператураларни —60 дан $+180^\circ\text{C}$ гача температу-
ралар оралиғида чиқарилади. Улар III классда чиқарилади,
кель ва темир электр қаршиликнинг нисбатан катта тем-
пура коэффициентига эга:

$$\alpha_{Ni} = (6,21 - 6,34) \cdot 10^{-3} \text{ } ^\circ\text{C}^{-1}; \quad \alpha_{Fe} = (6,25 - 6,57) \cdot 10^{-3} \text{ } ^\circ\text{C}^{-1}$$

ва солиштира қаршилиги нисбатан катта.

$$\beta_{Ni} = 1,18 - 1,38 \cdot 10^{-7} \text{ Ом} \cdot \text{м}; \quad \beta_{Fe} = 0,55 - 0,61 \cdot 10^{-7} \text{ Ом} \cdot \text{м}$$

Аммо бу металллар қуйидаги камчиликларга эга: улар
соф ҳолда олиш қийин, бу эса бир-бирини алмаштира ол-
ган қаршилик термометрларни тайёрлашда қийинчилик ту-
ради; темир ва, айниқса, никель қаршиликнинг температу-
ра боғлиқлиги оддий эмпирик формулалар билан ифода-
лашдаги қийинчиликлардан иборат эмас; никель ва, айниқса, темир
батан паст температураларда ҳам осонгина оксидланади,
камчиликлар қаршилик термометрларини тайёрлашда ни-
кель ва темирни қўлланганини чеклаб қўяди.

7.1-расмда солиштира электр қаршиликнинг юқорида
рилган металллар температурасига боғлиқлиги берилган.

Қаршилик термометрларини (термисторларни) тайёр-
лашда ярим ўтказгичлар (баъзи металлларнинг оксидлари)
ишлатилади. Ярим ўтказгичларнинг муҳим афзаллиги улар-
нинг температура коэффициентининг катталиғидир. Термоқарши-
ликлар тайёрлашда титан, магний, темир, марганец, кобальт,
кель, мис оксидлари ёки баъзи металлларнинг (масалан,
маллий) кристаллари турли аралашмалар билан биргаликда
ишлатилади.

Ярим ўтказгич термометр қар-
шилик (терморезистор қаршилиги)
қаршилик температура орасидаги боғ-
лиқлиги қуйидагича ифода-
ланади:

$$R_t = R_0 \exp \left(B \frac{T_0 - T}{T_0 T} \right). \quad (7.5)$$

Қиймат T_0 температурада термо-
метр қаршилиги билан аниқланади,
қиймат эса, термометр тайёрла-
шда қўлланган ярим ўтказгич материал-
лигига боғлиқ.

$1,5 \text{ } ^\circ\text{C}$ ва ундан юқори темпера-
тураларни ўлчаш учун германийли
терморезисторлар айниқса кенг тар-
қалган.

—100 дан $+300^\circ\text{C}$ гача темпе-
ратураларни ўлчаш учун оксидла-
нган ярим ўтказгич материаллардан фойдаланилади.

Ярим ўтказгич терморезисторларнинг ўзгариш коэф-
фициентла-
ри металл симдан қилинган сезгир элементли қаршилик тер-
мометрлариникига қараганда бир неча тартибга ортиқ. Аммо
индивидуал даражалаш зарурати температуранинг ўлчашда
ярим ўтказгичли терморезисторларни кенг қўллангани имконини
чеклаб қўяди.

Температуранинг ўлчашда ММТ-1, ММТ-4, ММТ-6, КМТ-1,
КМТ-4 турлиги термоқаршиликлар ишлатилади.

Ярим ўтказгичли терморезисторлар кўпроқ термосигнали-
зация ва автоматик ҳимоя қўрилмаларида қўлланади.


7.2-§. ҚАРШИЛИК ТЕРМОМЕТРЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ

Бу термометрлар термоэлемент (сезгир элемент) ва ташқи
(ҳимоя) ағмуратдан тузилган.

Металл қаршилик термометрларининг сезгир элементи, одат-
да, ишша, кварц, керамика, слюда ёки пластмассадан қилин-
ган каркасга ўралган сим ёки лентадан иборат.

Сезгир элемент термометр учининг қисқичларига ўлчаб ас-
бобига борадиган симлар уланган.

Мис қаршилик термометрларининг сезгир элементи 0,1 мм
диаметрли, наркасга бир неча қават ўралган, изоляция қилин-
ган мис симдан ташкил топган. Сим қаватлари ўзаро ва кар-
кас лаки билан маҳкамланади. Симнинг иккала учига 1—1,5 мм
диаметрли мис қулоқчалар қавиқланади. Сезгир элементни
ҳимоя қобилигига жойлаштирилади. Каркасликлардан ташқари бу
термометрларнинг каркассиз сезгир элементлари ҳам чиқари-
лади. Сезгир элемент 1 изоляция қилинган 0,08 мм диаметрли
симдан индуктивликсиз каркассиз ўрамга эга бўлган ҳолда



7.1-расм. Платина солиштира қаршиликнинг температурга боғлиқлиги.



7.2-рasm. Мис қаршилук термометрининг сезгир элементи.

жасалады (7.2-рasm). Алоқида қаватлари лак билан маҳкамланады ва сўңғы барча сезгир элемент фторпластли пленка билан қопланады. Сезгир элемент юлқа деворли химоя меша қобикқа жойлаштирилади, унга керамик кукун сепиле ва герметизацияланады. Сим учлари 3 кулоқчаларга каварланады, улар термометр учи қискичларига уланады.

Платина термометрларининг сезгир элементи иккити түрттә керамик қаркас 1 нинг каналлар қаватларида жойлашган кетме-кет уланган спираллар 2 дан ташкил тогған (7.3-рasm).

Қаркас қаватлари керамик кукун 3 билан тўлдирилади, орошоқ изолятор бўлиб хизмат киледи ва спиралларнинг жинаға ўлчаш эгилувчанлигини таъминлайди. Спирал учлари платинази ёки иридий родийли (60% родийли) симдан ташкил тогған кулоқчалар 4 каварланган. Керамик қаркасда сезгир элемент махсус глазури (ёки термодомент) 5 билан термизацияланады. Қаркас каналлининг спираллари ва деворларининг орасидаги бўшлиқ алюминий оксиди кукун билан тўлдирилган, у изолятор бўлиб хизмат киледи ҳа-да спираллар на қаркас орасида иккилик контактини ошириди. Платина қаркас термометрларининг сезгир элементлари диаметри 0,14–0,07 мм, платина симдан тайёрланады.




7.3-рasm. Платина қаршилук термометрининг сезгир элементи.


Сановтада чиқарилалагған қаршилук термометрларининг турлари, асосий параметрлари 7.4-рasmда келтирилган. Қаршилук термометрларининг сим 1 дан қилинган сезгир элементи түрт қаналаи керамик қаркас 2 га жойлаштирилган.

Қаршилук термометрларининг тузиллиги 7.4-рasmда келтирилган. Қаршилук термометрларининг сим 1 дан қилинган сезгир элементи түрт қаналаи керамик қаркас 2 га жойлаштирилган.

Механик шикастланишдан ва ўлчаватган объектларнинг зарарли таъсиридан сақланиш учун сезгир элемент химоя қобиги 3 га жойлаштирилган. У керамик итулка 4 билан жойлаштирилган. Сезгир элементининг кулоқчалари 5 изоляциян керамик труба 6 орқали утади. Шулариинг ҳаммаси ўлчаш объектида резистив шугуер 8 ёрдамида ўрнатилагған химоя гильзада жойлашган.



7.4-рasm. Қаршилук термометрининг тузиллиги.



7.5-рasm. Ярим ўтказкич химоя лак термометрининг сезгир элементи.

Химоя гильзининг учиде термометрининг улайлагған уч 9 жойлашган. Учиде термометр кулоқчаларининг маҳкамлаш ва уласачи симларини улаш учун винталари 11 бўлган изоляциян колодка жойлашган. Уч кулоққ билан ёнилади. Уласачи симлар шугуер орқали чиқарилади. Ташки электр ва магнитт майдонлари таъсирини кимайтириш учун қаршилук термометрларининг сезгир элементларини индуктивсиз урамали қилиб жасалады.

7.5-рasm, а да стерженьли терморезистор кўрсатилган. У кулоқчалар 3 каварланган контакти қопқоқчалар 2 га эға бўлган ниллар 1 дан ташкил тогған. Цилиндр эмаль бұёқ билан қопланган, унинг юқори қисмида шийа изолятор 6 бор.


Мунчоқли терморезисторнинг (7.5-рasm, б) ярим ўтказкич элементи 1 диаметри 0,5 мм да ва шийа қобик 4 билан химоя қилинган шарча шаклиға эға. Шарчаға 0,05 мм диаметри платина симдан қилинган ва никелли кулоқчалари 3 билан уланган электродлар 2 жойлаштирилган.

Кам температураларни ўлчаш учун мўлжалланган германийли термометрлар мис гильзадан (7.5-рasm, а) иборат бўлиб, газсимион гелий билан тўлдирилган ва терметик тикри 2 билан ёнилагған. Гильза ичиде сурьма билан легирланган германий 3 нинг монокристалли жойлашган. Кристалл 4 га олтин ўтказкич 4 ёпиштирилган бўлиб, уларға платина кулоқчалари 5 каварланган. Кристалл плёнка 6 билан изоляциян қилинган. Бундай термометрлар 1,5 дан 80 К гача температураларни ўлчашда қўлланилади.

7.1.2. ҚАРШИЛИК ТЕРМОМЕТРЛАРИНИ УЛАШ УСУЛЛАРИ

Қаршилик термометрлари билан температурани ўлчашда ўлаш сымлари ёрдамида ўлчов асбобига уланган термометрнинг қаршилигини ўлчаш зарурати туғилади. Чунки ўлчов асбобига уланган қаршилик термометр қаршилик билан қатъи бўлади. Мазкур қўшимча қаршиликнинг ўлаш натижасига таъсирини камайтириш ёки йўқотиш учун турли усуллардан фойдаланилади. У термометрнинг ўлаш схемасига ва ўлаш усулига ёки ўлчов асбобининг схемасига боғлиқ. Ўлчовчи сымлар қаршиликни мословчи қаршилик ёрдамида асбобни даражалашдаги қаршилик қийматиغا мослигини доим. Ўлчовчи сымларнинг даражалаш қаршилиги қиймати асбоб паспортида ёки унинг шкаласида кўрсатилган бўлади.

Қаршилик термометрларини ўлчов асбобига улашнинг икки, уч ва тўрт симли схемалари учрайди (7.6-расм). Ўлашнинг икки симли схемасида қаршилик термометри ва уланган сымлар қаршилиги ўлаш схемасининг шохобчаларидан бирини кесме-кет ўзлаштирилади (7.6-расм, а). Ҳайдагил сымлар қаршилигини ўлашнинг даражалаш қийматларига мослаш кўпроқ қудирлигига амалга оширилади. Схеманинг икки симли ва ўлаш сымлари ўтказилганда кейин термометр ва ўлаш сымлари билан бирга кесме-кет тарзда мословчи жалтак $R_{\text{м}}$ (7.7-расм, а) ва эквивалент қаршилик $R_{\text{эк}}$ уланади. Эквивалент қаршилик қиймати термометрнинг аниқ температурасига, масалан, 50, 100 ёки 250°C температуралардаги қаршилигига мос келади. Термометр қисқичлари қисқа туташтирилади ва ўлаш сымлари сымли шохобчасига: реал ўлаш сымлари қаршилиги $R_{\text{с}}$ дан, эквивалент қаршилик $R_{\text{эк}}$ дан ва мословчи қаршилик $R_{\text{м}}$ дан (7.7-расм, б) иборат бўлиб қолади. Сўнгра ўлаш схемаси уланади ва $R_{\text{эк}}$ ни эквивалент қаршилик ҳисобланган температурага мос шкала белгисигача ўзгартириб борилади. Шундан



7.6-расм. Қаршилик термометрларини ўлаш схемаси.

кейин эквивалент қаршилик ё узиб қўйилади, ёки қисқа туташтирилади, термометр қисқичларини қисқа туташтириб турган сым оливади. Термометрнинг ўлаш сымлари қаршилиги унинг ҳисобий (даражалашдаги) қийматигача шундай мослаштирилади. Аммо агар ишловатил жараёнда ўлаш сымлари температураси (одатда икки сымлари даражалашдаги температурадан фарқ қилса, унда шу сымларнинг қаршилигининг ўзи даражалашдаги қийматдан фарқ қилади. Нотўғра мослаштириш ёки температура билан бирга қаршиликни ўзгартириш ҳаттоки термометрнинг ўлашнинг икки симли схемаси учун ўлчов асбобининг ўлаш диапазонидан қатъи назар, қуйидаги формула бўйича топилади:

$$\Delta t = (R_{\text{с}}^2 - R_{\text{эк}}^2) / S, \quad (7.6)$$

бунда Δt — ўлчов хатолиги, °C; $R_{\text{с}}$ — икки симли шохобчадаги (ўлаш сымлари) қаршилик қиймати, Ом; $R_{\text{эк}}$ — аниқ қаршиликнинг даражалашдаги (ҳисобий) қиймати, Ом; S — ўлчоватил температура бўлишда термометрнинг ўзгартириш коэффициенти, Ом/°C.

Ўлаш сымлари қаршилигининг даражалаш қийматига мос эмаслигини келиб чиқадиган хатоликни камайтириш учун қаршилик термометри ўлчов асбоби билан учта сым орқали уланади. Термометрнинг ўлашнинг уч симли схемаси бўйича (7.6-расм, б) ўлаш сымлари термометрнинг ўлаш шохобчасига, таққослаш шохобчасига, таъминлаш манбаига боради. Ўлаш ва таққослаш шохобчаларидagi қаршилик бир хил бўлганда ўлаш сымларидаги температуранинг ўзгариши хатоликка олиб келмайди, чунки сымларнинг қаршилиги фақат бир хил миқдорга ўзгаради. Ўлаш сымлари қаршилигини мослаш ўзаро исуфит ўлаш сымларини кесме-кет ўлаш бўли билан амалга оширилади.

